

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ  
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**УСМОНОВ ШУХРАТЖОН КАМОЛЖОНОВИЧ**

**АРРАЛИ ЖИННИНГ ИШЧИ КАМЕРАСИ КЎТАРИШ-ТУШИРИШ  
ҚУРИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ  
АСОСЛАШ**

05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехника тизимлари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2022**

УЎК: 677.051.152.6.001.76

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences

**Усмонов Шухратжон Камолжонович**

Аррали жиннинг ишчи камераси кўтариш-тушириш қурилмасини  
такомиллаштириш ва параметрларини асослаш.....3

**Усмонов Шухратжон Камолжонович**

Совершенствование и обоснование параметров устройства подъёма-  
опускания рабочей камеры пыльного джина.....23

**Usmonov Shuxratjon Kamoljonovich**

Improvement and substantiation of the parameters of the lifting and lowering  
device the roll box of the saw gin .....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works.....46**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ  
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**УСМОНОВ ШУХРАТЖОН КАМОЛЖОНОВИЧ**

**АРРАЛИ ЖИННИНГ ИШЧИ КАМЕРАСИ КЎТАРИШ-ТУШИРИШ  
ҚУРИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ  
АСОСЛАШ**

05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехника тизимлари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2022**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2022.1.PhD/T1140 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳамда Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.namnti.uz](http://www.namnti.uz)) ва Ziyonet Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Эргашев Жамолiddин Саматович</b> техника фанлари доктори, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Ахмедходжаев Хамит Турсунович</b> техника фанлари доктори, профессор <b>Хакимов Шерқул Шергозиевич</b> техника фанлари доктори, доцент
<b>Ётақчи ташкилот:</b>	Андижон машинасозлик институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 9 апрел соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: [nei\\_info@edu.uz](mailto:nei_info@edu.uz), Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация иши билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (455-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07))

Диссертация автореферати 2022 йил 25 март куни тарқатилди.  
(2022 йил 25 мартдаги 69-рақамли реестр баённомаси).



**Р.М.Мурадов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Х.Т.Бобожанов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

**Қ.Холиқов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё амалиёти шуни кўрсатадики, тўқимачилик, тикув, пойабзал саноати (ТСФ) моҳиятан капитал айланмалар юқори бўлган соҳалар қаторига киради. Сўнгги йилларда дунё миқёсида йилига 25-26 млн. тонна пахта хомашёси етиштирилмоқда<sup>1</sup>. Ер юзи аҳолисининг сони ортиб бориши билан инсониятнинг асосий табиий эҳтиёжи бўлган кийим-кечакка, шунга мувофиқ пахта хомашёсига бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Бу тенденция ўз навбатида пахтани дастлабки ишлаш жараёнини сифатли амалга оширадиган юқори иш унумига эга машиналарни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан пахтани дастлабки ишлаш машиналарининг иш сифати юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор техника воситалари ва курилмаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда пахта маҳсулотларига бўлган талаб 2019-2024 йиллар оралиғида ўртача 3,1% дан ортиб бориши кутилмоқда<sup>2</sup>. Шунинг билан биргаликда охириги йигирма йилликда ишлаб чиқариш қувватлари (шу жумладан тўқимачилик корхоналари) АҚШ ва Европадан Осиё ва Жанубий Америка мамлакатларига кўчиб ўтиш тенденцияси кузатилмоқда<sup>3</sup>. Шунинг баробарида пахтани дастлабки ишлаш машиналарини ресурстежамкор технологиялар билан бойитиш, жараённи бошқариш, машинани автоматлаштириш, энергия тежамкор механизмлар ва техника воситаларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, пахтани дастлабки ишлаш машиналари ичида асосий жараён бўлган жинлаш босқичида қўлланилувчи машинанинг юқори иш сифатини таъминлаш, бошқариш имкониятларини яхшилаш, энергия-ресурстежамкор механизмлар билан бойитиш ҳамда унинг параметрлари ва иш режимларини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун соҳада фаолият юритишнинг янги тизими – кластер усули жорий этилди. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришни модернизациялаш, юқори унумли инновацион технологияларни жорий этиш, пахта тозалаш корхоналарини модернизация қилиш ва янги қувватларни ишга тушириш, ип-йигирув, матони тўқиш ва бўяш, тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, чигитни қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «... миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодийда энергия ва ресурслар сарфини камайитириш, ишлаб чиқаришга

<sup>1</sup> <http://www.statista.com/statistics/259489/worldwide-production-of-cottonseed/>

<sup>2</sup> <http://www.mordorintelligence.com/industry-reports/cotton-market>

<sup>3</sup> <http://www.abacademies.org/articles/the-kazakh-cotton-industry-and-international-competitive-advantage-7247.html>

энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»<sup>4</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, пахтани дастлабки корхоналарида толани чигитдан ажратиш жараёнини сифатли амалга оширадиган, техник ва технологик жиҳатдан модернизациялашган машиналарни яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўрта толали пахтани дастлабки ишлаш корхоналарида асосий машина аррали жин бўлиб, унинг вазифаси пахтанинг табиий хусусиятларини сақлаган ҳолда толани чигитдан ажратишдир. Чиқаётган маҳсулот сифати, иш унуми кўп жиҳатдан жиннинг ишлаш жараёнига боғлиқ. Тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарида қўлланилаётган машиналар ичида пахтани дастлабки ишлаш машиналари ахборот технологиялари, янги илм-фан ютуқлари, замонавий механизмлар қўллаш соҳасида орқада қолаётгани ушбу соҳада фаолият юритаётган мутахассисларга янада катта масъулият юклайди. Пахтани аррали жинлаш соҳасида эришилган кўпгина ютуқларга қарамай жараёни бошқариш, машинани автоматлаштириш, энергия тежамкор механизмлар билан такомиллаштириш, унда ишлаётган оператор иш шароитини яхшилаш бугунги кун тартибидаги долзарб масалалардир.

Ушбу диссертация тадқиқоти 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш» вазифаларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2019 йил 14 февралдаги ПҚ-4186 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2020 йил 22 июндаги 397-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Пахтани аррали жинлаш техника ва технологияларини такомиллаштириш бўйича хорижда S.E.Hughs, O.K.Boykin, K.Tompson, M.K.Sharma, P.Kumar ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Ҳозирги пайтда аррали жинлаш жараёнидаги асосий муаммоларга юқори қувват сарфи, замонавий механизмлар билан бойитилмаганлиги, жараёни бошқариш имкониятлари пастлиги киради. Ушбу муаммолар ечимини излаш

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

бўйича олиб борилган изланишлар Р.В.Корабельников, Р.Г.Маҳкамов, Э.Т.Максудов, Б.М.Мардонов, Н.З.Камалов, Д.М.Мухаммадиев, Х.Ахмадходжаев, Р.Мурадов, Ж.Эргашев, М.Тиллаев ва бошқаларнинг ишларида ўз аксини топган.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, маҳаллий пахта тозалаш корхоналарида фойдаланилаётган пахтани жинлаш машиналари замонавий механизмларни қўллаш, жараёни автоматлаштириш ва бошқариш борасида тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Наманган муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ИОТ-2016-2-9 «Жин машинасида хомашё валиги зичлигини ростловчи ва электр энергия тежовчи мосламаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** аррали жиннинг ишчи камерасини кўтариш-тушириш қурилмасини такомиллаштириш ва параметрларини асослаш орқали машинанинг ишлаш самарадорлигини ошириш, унда ишлаётган оператор иш шароитини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ишчи камерани мавжуд кўтариш-тушириш механизмлари таҳлили асосида механизмни такомиллаштиришнинг мақбул вариантини яратиш;

тажрибавий ва назарий изланишлар орқали ишчи камерани кўтариш-тушириш учун талаб қилинадиган кучларни аниқлаш;

аррали цилиндр электрюриткичидаги юкланиш токи орқали ишчи камера ҳолатини бошқариш жараёнини тадқиқ қилиш;

ишчи камерани автоматик ростланувчи кўтариш-тушириш механизминини ишлаб чиқариш синовларидан ўтказиш ва ишлаб чиқаришда қўллаш учун тавсиялар бериш.

**Тадқиқот объекти** сифатида такомиллаштирилган аррали жин ишчи камераси кўтариш-тушириш механизми, ишчи органлари, механизмнинг тавсия этилган параметрли кўтариш-тушириш технологик жараёни олинган.

**Тадқиқот предмети** аррали жин ишчи камерасини кўтариш-тушириш механизми ҳисобий ўлчамлари, конструктив параметрлари, камерани кўтариш-туширишда талаб қилинадиган кучни аниқлаш, жараёни автоматлаштириш учун юкланишга боғлиқ равишда ишга тушириш қурилмаси ва методлари ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тажрибавий ва назарий тадқиқотлар физик-математик моделларга, уларнинг таҳлили эса назарий механика, машина-механизмлар назарияси, термодинамика, автоматиканинг умумий қонуниятларига асосланган. Ишчи органлар параметрларини аниқлаш учун машиналар динамикаси ва математик статистиканинг замонавий усулларидан фойдаланилган. Тадқиқот жараёнида амалий жараёнларни статик ва динамик моделлаштириш, тўлиқ омилли тажрибалар, кузатиш, ўлчаш, солиштириш ва мақсадли электрон дастурлар воситасида ҳисоблаш усуллари қўлланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

аррали жиннинг ишчи камерасини кўтариш-тушириш жараёнида видеотасвирларни дастурлаш воситаларида қайта ишлаш орқали унинг ҳаракат тенгламасини келтириб чиқариш учун стенд ва тажриба усули ишлаб чиқилган;

аррали жин ишчи камерасини кўтариш учун етарли бўладиган кучнинг ўзгариш динамикасини аниқлаш учун Лагранжнинг II-тур тенгламасини қўллаш орқали ишчи камерани кўтариш жараёни ҳаракат қонунияти аниқланган;

тўлиқ омилли тажрибалар асосида аррали жин ишчи камерасини кўтариш учун етарли бўладиган куч (1,5 kN) ни ҳосил қилиш учун пневмоцилиндр диаметри ва ундаги сиқилган ҳаво босимининг мос қийматлари ( $d=60$  mm бўлганда  $p=0,41$  МПа;  $d=80$  mm бўлганда  $p=0,31$  МПа;  $d=100$  mm бўлганда  $p=0,25$  МПа ) аниқланган;

хомашё валиги зичлигини оптимал оралиғи (I-нав пахтани ишлашда 320-325 kg/m<sup>3</sup>, III-нав пахтани ишлашда 290-295 kg/m<sup>3</sup>) дан ортиб кетишини олдини олиш мақсадида ишчи органлар иш муддатини узайтиришга имкон берувчи аррали цилиндри электрюриткичидаги юкланишга боғлиқ равишда бошқарилувчи пневматик юритмани қўллашга асосланган кўтариш-тушириш қурилмаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

электр энергия сарфи кам бўлган, автоматик ростланувчи, такомиллаштирилган ишчи камерани кўтариш-тушириш қурилмаси ишлаб чиқилган;

тўлиқ омилли тажрибалар асосида ишчи камерани кўтариш-тушириш учун қўлланиладиган пневмоцилиндр параметрлари аниқланган;

пневматик юритмани қўллаш натижасида ишчи камерани кўтариш механизмининг электр энергия сарфи 3 марта камайган, ишчи камеранинг тикилиш эҳтимоли пасайган;

пневмоцилиндр таъсир кучини аниқлаш учун тажриба қурилмаси яратилган;

аррали цилиндр электрюриткичидаги юкланиш токига боғлиқ равишда автоматик бошқарилувчи ишчи камера кўтариш-тушириш қурилмаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** назарий ҳамда тажрибавий изланиш натижаларининг бир-бирига ўзаро мувофиқлиги, ишчи камерани такомиллаштирилган кўтариш-тушириш қурилмасининг ишлаб чиқариш синовларининг ижобий натижалари, шу билан бир қаторда натижаларни қиёслаш, уларнинг адекватлиги, соҳадаги умумий қонуниятларга мослиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аррали жин ишчи камерасини кўтариш-тушириш жараёнида ҳаракат қонунлари, энергетик баланс тенгламалари аниқланганлиги билан изоҳланади.



Тадқиқотнинг амалий аҳамияти энергиятежамкор, автоматлаштирилган ишчи камерани кўтариш-тушириш қурилмаси яратилганлиги ва тавсия параметрлари аниқланганлиги ҳамда ишлаб чиқариш жараёнига қўлланилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Аррали жин ишчи камерасини кўтариш-тушириш механизмини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

Янги ишчи камерани кўтариш-тушириш қурилмаси Наманган вилоятида жойлашган “Тўрақўрғон пахта тозалаш” АЖ ҳамда “Косонсой пахта тозалаш” АЖ да жорий этилган (“Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлар уюшмаси” нинг 2021 йил 28 июлдаги 03/22-151-сон маълумотномаси). Натижада жинлаш жараёнини автоматлаштириш орқали жин машинасининг муқобил ишлашига олиб келувчи, энергия сарфини 3 марта камайтирувчи кўтариш-тушириш қурилмасини яратишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 12 та илмий-техник конференцияларда, шу жумладан 7 та ҳалқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжумаларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация иши мавзуси бўйича 6 та илмий мақола чоп қилинган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияси асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 5 та мақола, улардан 1 таси хорижий журналда чоп қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аррали жин конструкцияларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида мамлакатимиз ва хорижий давлатларда қўлланилаётган аррали жин конструкциялари таҳлил қилинган. Аррали жин машиналарини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган илмий-техник изланишлар билан бирга ўз ечимини кутиб турган бир қанча масалалар қаторига ишчи камерани кўтариш-тушириш механизмини ҳам киритиш мумкин.

Ишчи камерани кўтариш-тушириш жинлаш жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, ДП маркали жинлардан бошлаб ишчи камерани кўтариш-


тушириш механизми лойиҳалана бошланган. Лекин энергия сарфи, эксплуатацион харажатларнинг юқорилиги, қўллаш доирасининг торлиги туфайли кўтариш-тушириш механизмлари ҳозирда аксарият ишлаб чиқариш корхоналарида қўлланилмаяпти. Кўпгина корхоналарда эса ишчи камерани кўтариш-тушириш оператор томонидан ричагли механизм ёрдамида бажарилмоқда. Шу билан бирга, ишчи камерани кўтариш-тушириш жараёни кинематикаси, динамикаси илмий асослари ўрганилмаган. Замон талабларига жавоб берадиган кўтариш-тушириш механизми эса соҳа мутахассисларининг эътиборидан четда қолиб кетган. Мазкур масалаларни ечиш орқали машинанинг ишлаш самарадорлигини ошириш, унда ишлаётган оператор иш шароитини яхшилаш, машинани автоматлаштириш имкониятларини кенгайтириш мумкин.

Ишчи камерани кўтариш-тушириш учун ҳозирда саноатнинг кўпгина соҳаларида кенг қўлланилаётган актуаторларнинг қиёсий таҳлили ўтказилди ҳамда пневматик актуаторни қўллашнинг афзаллиги аниқланди. Ишчи камерани кўтариш-тушириш учун таклиф этилаётган пневмотизим элементлари таҳлил қилинган.

Аррали жинлаш борасида олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, эксплуатацион харажатларнинг юқорилиги, қўллаш доирасининг торлиги туфайли ишчи камерани кўтариш-тушириш механизмлари ҳозирда аксарият ишлаб чиқариш корхоналарида қўлланилмаяпти. Ишчи камерани кўтариш-тушириш эса оператор томонидан ричагли механизм ёрдамида бажарилмоқда. Шу билан бирга, ишчи камерани кўтариш-тушириш жараёни кинематикаси, динамикаси илмий асослари ўрганилмаган.

Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, ишнинг мақсади ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг «Ишчи камера кўтариш-тушириш механизми параметрларини назарий тадқиқотлари» деб номланган



1-ишчи камера, 2-пневмоцилиндр  
1-расм. Ишчи камерани кўтариш схемаси

иккинчи бобида аррали жин ишчи камерасини пневмоцилиндр ёрдамида кўтаришда ишчи камеранинг ҳаракат тенгламаси келтириб чиқарилган.

Пневмоцилиндр 2 бир цикл учун ишчи камера 1 ни  $\Delta\varphi$  бурчакка буради ва ишчи ҳолатда тутиб туради (1-расм).

Системага қўйилган боғланишлар геометрик боғланишлардан иборат

бўлгани учун ушбу системага Лагранжнинг иккинчи тур тенгламаси ўринли.

Назарий изланишлар орқали ишчи камерани пневмоцилиндр орқали кўтаришда ундан талаб қилинадиган кучни аниқлаш учун Лагранжнинг

иккинчи тур тенгламасидан фойдаланган ҳолда ишчи камеранинг ҳаракат тенгламаси келтириб чиқарилган:

$$I(\varphi)\varepsilon + \frac{1}{2} \frac{\partial T}{\partial \varphi} \cdot \omega^2 = -P_1 a \cos \varphi - \frac{d}{2} P_2 B_1 + F \frac{\partial D}{\partial \varphi} \quad (1)$$


бунда  $I(\varphi)$  – системанинг келтирилган инерция моменти,  $T$  – системанинг кинетик энергияси,  $\varphi$  – ишчи камеранинг буралиш бурчаги (умумлашган координата),  $\varepsilon$  – ишчи камеранинг бурчак тезланиши,  $\omega$  – ишчи камеранинг бурчак тезлиги,  $P_1$  – ишчи камеранинг оғирлик кучи,  $d$  – пневмоцилиндр корпуси узунлиги,  $P_2$  – пневмоцилиндр корпусининг оғирлик кучи,  $F$  – пневмоцилиндрдаги ҳаво босимидан ҳосил бўладиган ҳаракатлантиручи куч,  $D$  – пневмоцилиндр штогининг сурилиши ўзгаришининг  $\varphi$  га боғлиқ ҳолда ўзгариш қонунияти.

Механизмнинг кинематик схемаси (1-расм) ва ўлчамларини билган ҳолда пневмоцилиндрнинг таъсир кучининг ўзгариш қонуниятини аниқлаймиз:  $a = 0,438 \text{ m}$ ,  $b = 0,8 \text{ m}$ ,  $l = 0,39 \text{ m}$ ,  $d = 0,439 \text{ m}$ ,  $\delta = 0,93 \text{ m}$ ,

Звеноларнинг массалари ва буралиш бурчаги:


$$m_1 = 400 \text{ kg}, m_2 = 6 \text{ kg}, m_3 = 3 \text{ kg}, \omega_{10} = 0, 72,74^\circ \leq \varphi \leq 87,1^\circ, \gamma = 7,28^\circ.$$

Ишчи камеранинг ўлчамлари ва звеноларнинг инерция моментларини аниқлаш учун 4ДП-130 аррали жини ишчи камераси реал ўлчамда SolidWorks 2016 дастурий пакетида лойиҳаланди ва геометрик ўлчамлар, массавий характеристикалар “Анализировать” тизимости иловаси орқали олинди (2-расм).



2-расм. 4ДП-130 аррали жин ишчи камерасининг SolidWorks дастурий пакетидаги лойиҳаси

4ДП-130 аррали жин ишчи камерасининг SolidWorks дастурий пакетидаги лойиҳалаш орқали олинган маълумотларни ва иш камеранинг кўтарилишдаги ҳаракат қонуниятини Maple дастурий пакетига киритиб кучнинг ўзгариш қонуниятини аниқлаймиз (3-расм).



3-расм. Ишчи камерани кўтаришда кучнинг ўзгариш графиги

Графикдан кўришиб турибдики, кучнинг максимал қиймати ҳаракатнинг бошига тўғри келади ва вақт ўтиши билан камайиб боради. Ҳаракат бошида унинг қиймати 1600 N га тўғри келади. Ҳаракат охирида эса кучнинг қиймати нолга яқинлашади. Буни биринчи томондан ҳаракат охирида камеранинг тўхташи

билан, иккинчи томондан эса қаршилик кучининг асосий қисмини ташкил этувчи ишчи камера оғирлик марказининг вертикалга яқинлашиши билан изоҳлаш мумкин.


Ишчи камерани кўтариш-тушириш учун пневмотизим юритмасининг структурасини танланди. Бунда шток тезлигини назорат қилиш усули, тормозлаш, чиқувчи звенонинг жойлашуви, ҳавони йўналтириш ва бошқарув аппарати параметрлари аниқланди (4-расм).

Пневмотизимнинг конструктив параметрларини аниқлаш учун пневмотизим кучга ҳисобланди. Дастлабки маълумотлар сифатида пневмотизимнинг принципиал схемаси (4-расм), чиқувчи звенонинг ишчи юриши (шток узунлиги)  $S$ , ҳаракатнинг ўртача тезлиги  $v_y$ , технологик юкланиш  $P$ , ҳаракатланувчи деталларнинг келтирилган массалари  $m$ , сиқилган ҳавонинг номинал босими  $p_n$  лар олинган.

Поршенга тушадиган тўлиқ юкланиш технологик юкланиш, зичлагичлар ҳисобига ҳосил бўлувчи ишқаланиш кучлари, пневмоцилиндрнинг иккинчи томонидаги ҳавонинг босимидан ҳосил бўладиган қаршилик кучларининг йиғиндисидан иборат:

$$P = P_1 + P_2 + P_3 = 1241 + 490 + 144 = 1875 \text{ N} \quad (2)$$

Юритманинг ишга тушиш вақтини ҳисоблаш учун пневмомоторнинг ишчи ва чиқиш юзаларидаги босим ўзгариши ва штокнинг унга боғланган масса билан ҳаракат тенгламасини ифодаловчи дифференциал тенгламаларни биргаликда ечиш талаб қилинади.



1 – компрессор, 2 – манометр, 3 – ҳавони филтрлаш блоки,  
4 – электромагнитли ҳаво тақсимлагич, 5 – пневмоцилиндр

**4-расм. Ишчи камерани кўтариш-тушириш қурилмаси учун пневмотизимнинг  
принципиал схемаси**

Юритманинг ишга тушиши учун кетадиган умумий вақтни ҳисоблаймиз:


$$T_m = t_1 + t_2 + T_1^D + T_2^D + t_3 = 0,04 + 0,011 + 0,45 + 0,46 = 0,961 \text{ s} \quad (3)$$

бунда  $t_1$  – ҳаво тақсимлагич золотнигининг ишга тушиши вақти,  $t_2$  – ҳаво босими тўлқинининг пневмотақсимлагич клапанидан поршенгача етиб бориш вақти,  $T_2^D$  – поршеннинг ҳақиқий иш вақти,  $t_3$  – ҳаво чиқиш вақти.

Шундай қилиб, поршенга тушадиган тўлиқ юкланиш  $P = 1875 \text{ N}$ , сурилиш узунлиги  $S = 0,2 \text{ m}$ , поршеннинг ўртача тезлиги  $v_y = 0,1 \text{ m/s}$  бўлганда босим тўлқинининг тарқалиши ва ишчи босимнинг ўзгариши учун кетадиган вақт –  $T_m = 0,961 \text{ s}$  бўлади.

Диссертациянинг «**Ишчи камерани кўтариш-тушириш механизмнинг кинематик ва динамик параметрларининг тажрибавий тадқиқотлари**» деб номланган учинчи бобида аррали жин ишчи камерасини суриш кучи тажриба орқали аниқланган. Тажрибалар “Косонсой пахта тозалаш” АЖда 4ДП-130 маркали аррали жиннинг нормал иш режимида ўтказилди. Синовлар I-нав 1-синф Андижон-35 селекцион навли намлиги – 9,5%, ифлослиги – 1,1% пахтани жинлаш вақтида ўтказилди ва ўлчаш ишлари серияли ишлаб чиқарилаётган ўлчов асбобларида бажарилди. Амалий тадқиқотлар натижасида камерани ишчи ҳолатга келтириш учун актуатордан 1490 N, ишчи

ҳолатдан чиқариш учун эса 519 N куч талаб этилиши аниқланди. Шунингдек, камерани ишчи ҳолатга келтириш учун керакли энергия ишчи ҳолатдан чиқаришга сарфланадиган энергиядан 3 баробарга ортиқ эканлиги аниқланди.




**5-расм. Камерани кўтариш-туширишдаги кучларининг максимал қийматлари (N)**

Ишчи камерани кўтариш кучининг максимал қийматини (1490 N) назарий аниқланган кучнинг максимал қиймати (1600 N) билан солиштириш орқали изланиш натижалари бир-биридан 6% га фарқ қилишини кўришимиз мумкин. Яъни, тажрибавий ҳамда назарий тадқиқот натижалари бир-бирига мувофиқ.

Амалий тадқиқотлардан хулоса қилиш мумкинки, камерани ишчи ҳолатга кўтариш учун кўпроқ куч талаб қилинади. Ҳисоб ишларини пневмоцилиндрдан талаб қилинадиган кучнинг каттаси учун, яъни ишчи камерани кўтариш жараёни учун олиб борамиз. Чунки агар пневмоцилиндрнинг таъсир кучи ишчи камерани кўтариш учун етарли бўлса, табиийки ишчи камерани тушириш учун ҳам етарли бўлади. Шунинг билан бирга, ишчи камерани кўтаришда пневмоцилиндрнинг таъсир кучи кам бўлган шток томонидаги ишчи юзаси билан таъсир қилади. Яъни кўпроқ куч талаб қилинадиган цикл учун пневмоцилиндрнинг кам таъсир кучи ҳосил қиладиган томони ишлайди.

Маълумки, системанинг кинематикасини ўрганмай туриб унинг динамикаси масаласини ечиб бўлмайди. Пневмоцилиндрдан талаб қилинадиган кучнинг қийматини аниқлаш учун динамиканинг тўғри



1 – ишчи камера, 2 – машина корпуси, 3 – ишчи камера таянчи, 4 – пневмоцилиндрнинг ишчи камерага маҳкамланиш нуқтаси, 5 – видеокамера


масаласидан фойдаланамиз. Бунинг учун аввал ишчи камеранинг ҳаракат қонуниятини аниқлаш лозим бўлади.

Қўйилган масалани амалга ошириш учун ишчи камерани кўтаришда ҳаракат тенгламасини аниқлаш алгоритми ва ишчи камера ҳаракатини тасвирга олиш учун стенд ишлаб чиқилди. Ишчи камера 1 ни кўтаришда унинг ҳаракат кинематикасини ўрганиш мақсадида жараён видеотасвирга олинди. Ишчи камера машина корпуси 2 га пастки томонида бир жуфт шарнир 3 орқали маҳкамланган. Кўтаришнинг бир цикли учун кузатиш фокусига пневмоцилиндрнинг ишчи камерага маҳкамланган нуқтаси олинди ва видеокамера 5 ушбу нуқта билан бир горизонтал текисликка ўрнатилди (6-расм). Пневмоцилиндрнинг ишчи камерага маҳкамланган нуқтасининг кўчиши тасвир ёрдамида кузатилди. 6-расмда аррали жин ишчи камераси кўтарилишини видеотасвирга олиш стенди тасвирланган. Унинг ёрдамида ишчи камеранинг кўтарилишида унинг ҳолати пневмоцилиндр штоги учудаги шарнир маркази 4 нинг кўчиши орқали кузатилди.

Юқори частотали (60 fps) кадрда суратга олиш ускунаси орқали олинган видеоматериал Adobe After Effects дастурида ишлов берилиб, ҳар бир кадр JPEG форматида экспорт қилинди.

Ишчи камера кўтарилишининг бир цикли учун ажратиб олинган вақт кетма-кетлигидаги кадрлар бир хил масштабда CorelDraw дастурида қайта ишланди. Бунда ҳар бир кадрда ишчи камера шарнири марказининг кўчишини ўлчаб, Microsoft Excel дастурига киритиб борилди. Олинган ўлчамлар орттирмасини вақт бўйича тақсимлаб унинг бурчак тезлиги аниқланди.

Тайёр жадвал кўринишидаги маълумот, ўлчаш ва қайта ишлашдаги хатоликларни бартараф этиш, натижани график кўринишда олиш мақсадида Matlab дастурлаш пакетининг CurveFitting (cftool) тизимости иловасидан фойдаланилди. Ушбу илова берилган нуқталарга максимал яқинлашувчи математик функция тузиш учун қўлланилади (smoothing). CurveFitting иловасидан олинган ишчи камера бурчак тезлиги графиги 7-расмда келтирилган. Натижада ишчи камерани кўтарилиш вақти ( $t=2,57 s$ ) ва унинг




7-расм. Curve Fitting иловасида ишчи камера бурчак тезлигининг ўзгариш графигини тузиш



ҳаракат тенгламаси ( $\varphi(t) = 0,0043t^4 - 0,45t^3 + 0,113t^2 + 0,021t + 1,217$ ) аниқланди.

Кузатишлар натижасида ишчи камерани ричаг ёрдамида кўтаришда цикл охирида камеранинг зарб билан урилиши аниқланди. Бунинг натижасида хомашё валигининг арра тишларига санчилиб қолиб аррали цилиндр электромоторига юкланишнинг кескин ортиб кетишига ва унинг тўхтаб қолишига олиб келади. Албатта бу ҳолат ҳар сафар камера кўтарилганда эмас, вақти-вақти билан рўй бериб, эҳтимолий характерга эга. Шунга қарамай ишчи камеранинг зарб билан урилишини жиннинг иш жараёнига салбий таъсир қилувчи омил сифатида қарашимиз мумкин.

Юқоридаги методика бўйича ишчи камерани кўтаришда унинг бурчак тезлиги ўзгариш графиги қурилди ҳамда таклиф этилаётган кўтариш-тушириш қурилмасиники билан солиштирилди. Солиштириш натижалари 8-расмда келтирилган.



**8-расм. Ишчи камерани ричаг ва пневмотизим орқали кўтаришда ишчи камера бурчак тезлигининг ўзгариш графиги**

Тўлиқ омилли тажрибалар асосида пневмоцилиндрнинг таъсир кучини аниқлаш учун регрессия тенгламаси олинди.

$$Y = 1454,6 + 753,5x_1 + 484,9x_2 + 251,6x_1x_2$$


бунда  $Y$  – пневмоцилиндрнинг таъсир кучи,  $x_1$  – пневмоцилиндр диаметри,  $x_2$  – пневмоцилиндрдаги ҳаво босими.

Регрессия тенгламаси асосида қурилган график 9-расмда келтирилган. Аниқланган регрессия тенгламага асосланиб пневмоцилиндрнинг тавсия параметрлари аниқланди ( $D = 60 \text{ mm}$  да  $p = 0,41 \text{ MPa}$  ;  $D = 80 \text{ mm}$  да  $p = 0,31 \text{ MPa}$  ;  $D = 100 \text{ mm}$  да  $p = 0,25 \text{ MPa}$  ).


Аррали цилиндрдаги юкланиш токи ўзгаришига қараб бошқариладиган кўтариш-тушириш қурилмаси макети тайёрланди. Лаборатория



қурилмасининг макети SolidWorks дастурида лойиҳаланди ва 3D принтерда чоп этилиб, резбали бирикмалар ёрдамида йиғилди (10-расм).




**9-расм. Регрессия тенгламаси асосида қурилган график**



1-мотор M1, 2-мотор M2, 3-сенсор S1, 4-сенсор S2, 5-электрон плата  
**10-расм. Аррали жин макети**


Аррали цилиндр мотори  $M_1$  ва ишчи камерани кўтариш-тушириш учун  $M_2$  сифатида Maxon Motor DSX 22S моторлари қўлланилган.  $S_1$  ва  $S_2$  сенсорлар сифатида Encoder Sensor қўлланилган. Жараён электрон плата (контроллер) лар орқали бошқарилади. Барча электрон қисмлар ERM кабеллар орқали боғланган.

Моделнинг иш принципи қуйидагича: Хомашё валиги зичлиги ортиши билан аррали цилиндр мотори  $M_1$  даги юкланиш токи ортади ва контроллерга сигнал келиб тушади. Бунда ишчи камерани кўтариш-тушириш мотори  $M_2$  то аррали цилиндр мотори  $M_1$  даги юкланиш оптимал қийматга тушгунича камерани ишчи ҳолатдан чиқаради (11-расм).



а. Камеранинг ишчи ҳолати б. Камеранинг ишчи ҳолатдан чиққан ҳолати  
1 – кривошип; 2 – штифт; 3 – шатун;  $M_1$  – аррали цилиндр электромотори;  $M_2$  – камерани кўтариб-тушириш механизми электромотори;  $S_1$  – аррали цилиндр электромотори sensori;  $S_2$  – камерани кўтариб-тушириш механизми sensori  
**11-расм. Кўтариш-тушириш қурилмаси макетининг ишчи вазияти**


Matlab дастури Sumulink тизимости пакетида макетни бошқариш учун модел лойиҳаланди (12-расм). Simulink пакетида лойиҳаланган дастурий таъминот моделни компьютер орқали бошқариш ва натижаларни рақамли ва график кўринишда олиш имконини беради.



12-расм. Matlab Sumulink дастурида бошқарув модели

Бошқарув моделига аррали цилиндр мотори  $M_1$ ни бошқариш учун Matlab Function Motor<sub>1</sub> ва кўтариш-тушириш механизмини ҳаракатга келтирувчи  $M_2$  мотор учун эса Matlab Function Motor<sub>2</sub> ҳамда ҳар икки моторни ўзаро бошқариш учун эса Matlab Function<sub>1</sub> функциялари киритилди.

Натижалар график кўринишда 13-расмда келтирилган.



а – аррали цилиндр мотори  $M_1$  даги юкланиш токи; б –  $M_2$  мотор орқали бошқарилувчи ишчи камерани ҳолатининг силжиш катталиги


13-расм. Моделда олинган графиклар

Графикдан кўриниб турибдики,  $M_1$  мотордаги юкланиш токининг ортиши билан  $M_2$  мотор ишчи камерани ишчи ҳолатдан чиқаради. Юкланиш токи ортиши билан ишчи камеранинг силжиш қиймати ҳам ўзининг максимал қийматига эришади.

Диссертациянинг «Такомиллаштирилган кўтариш-тушириш қурилмасининг ишлаб чиқариш синовлари ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобида кўтариш-тушириш қурилмасининг тажриба варианты Наманган вилояти «Косонсой пахта тозалаш» АЖ жинлаш цехидаги 4ДП-130, «Тўрақўрғон пахта тозалаш» АЖ жинлаш цехидаги 5ДП-130 аррали жинларида ишлаб чиқариш шароитларида синов натижалари келтирилган.

Қурилма 2 хил: маҳаллий бошқарув ва автоматик режимда ишлайди. Маҳаллий бошқарув режимда кўтариш-тушириш жараёни бошқарув панелидаги тугма орқали бошқарилади (14-расм).

Автоматик бошқарув тизимида аррали цилиндр электромоторидаги юкланиш токи чегаравий қийматдан маълум муддат узлуксиз ортиши билан сақлаш релеси пневмоцилиндр ҳаво тақсимлагичига сигнал узатади. Ҳаво тақсимлагич эса пневмоцилиндрдаги ҳаво йўналишини ўзгартириб ишчи камерани ишчи ҳолатдан чиқаради. Электромотор релесидagi ток кучининг чегаравий қийматини ва вақт оралиғини ўзгартириш имкони мавжуд ҳамда бу қийматлар ишланаётган пахтанинг навига боғлиқ равишда танланади. Механизмнинг бошқарув тизими 14-расмда келтирилган. Қурилмани ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш орқали хомашё валиги зичлигининг меъёридан ортиб кетмаслиги таъминланди, жараённи автоматлаштириш имкони яратилди, операторнинг иш шароити енгиллашди, ишчи камеранинг ишчи ҳолатга келтиришда зарб кучини камайтириш ҳисобига хомашёнинг ҳаракатдаги аррали цилиндрни тўхтатиб қўйиши олди олинди.



14-расм. Ишлаб чиқариш жараёнига ўрнатилган ишчи камерани кўтариш-тушириш қурилмасининг бошқариш тизими

1-жадвалда тажрибвайи ва назарий изланишлар орқали таклиф этилаётган кўтариш-тушириш қурилмаси параметрлари келтирилган.

1-жадвал

### Таклиф этилаётган кўтариш-тушириш қурилмаси параметрлари

№	Қурилма параметрлари	Кўрсаткич ёки маркаси	Изоҳ
1.	Пневмоцилиндр штоги узунлиги	0,2 m	Ишчи камеранинг туширилган ҳолатидан келиб чиқиб, шток маҳкамланган нуқтанинг кўчишини ҳисобга олган ҳолда аниқланди.
2.	Пневмоцилиндр диаметри	60, 80, 100 mm	Ишчи камерани кўтариш учун етарли бўладиган кучни ҳосил қилиш учун пневмоцилиндрдаги босимга мос равишда омилли тажрибалар асосида
3.	Пневмоцилиндрдаги ҳаво босими	0,41, 0,31, 0,25 MPa	Ишчи камерани кўтариш учун керак бўладиган кучни ҳосил қилиш учун пневмоцилиндр диаметрига мос равишда омилли тажрибалар асосида
4.	Ҳаво тақсимлагич	AirTac 4V310-10	Ишчи камеранинг иккита вазиятда ҳам бошқариш имконини бериш учун, ҳаво ўтказиш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда
5.	Компрессор	GS9/24 (250 l/min)	Пневмоцилиндрнинг етарли бўладиган кучни ҳосил қилиш учун сиқилган ҳавони истеъмол қилиш талабидан келиб чиқиб (максимал талабни қондириш учун)
6.	Пневоқувур диаметри	8 mm	Сиқилган ҳавони ўтказиш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда (минимал талаб)
7.	Электромотор релеси	NA712L (2-120 A)	Аррали цилиндр электромоторидаги ток кучининг ўзгариш диапазонини ҳисобга олган ҳолда

Тажриба ўтказиш давомида электромоторнинг нормал иш режимидаги ток кучи аниқланиб (85 A), контроллерга ундан маълум даражада (электромотордаги юкланишнинг ортиши чегарасида (89 A)) баландроқ кўрсаткич ва таймер (4 sek) белгиланди. Шу тариқа электромотордаги ток кучи 89 A дан узлуксиз 4 s вақт давомида ортиб туришида контроллер механизмни автоматик равишда ишга туширди ва ишчи камера ишчи ҳолатдан чиқарилди (15-расм). Бу орқали ишчи камерадаги хомашё зичлигининг ортиб кетиши олди олинди.



1-ишчи камера, 2-пневмоцилиндр, 3-ҳаво қувири, 4-контроллер, 5-аррали жиннинг электр қутиси, а – ишчи камеранинг ишчи ҳолатдан чиқиш жараёни, б – контроллер кўрсаткичи

### 15-расм. Ишчи камерани автоматик тушириш жараёни

Ўтказилган синов ишлари ишчи камерани кўтариш-тушириш қурилмасининг энергия сарфи  $0,002 \text{ kVt} \cdot \text{soat}$  ни ташкил этиб, битта пахта тозалаш корхонаси учун уни қўллашдан кутилаётган йиллик иқтисодий самарадорлик 106,8 млн. сўмни ташкил этиши аниқланди.

### ХУЛОСАЛАР

1. Назарий изланишлар натижасида ишчи камерани кўтариш кучининг ўзгариш қонунияти аниқланди. Унинг максимал қиймати ҳаракат бошида  $F = 1600 \text{ N}$  ни ташкил қилиб, камеранинг кўтарилиши билан эгри чизикли қонуният бўйича камайиб бориши аниқланди.

2. Поршенга тушадиган тўлиқ юкланиш  $P = 1875 \text{ N}$ , сурилиш узунлиги  $S = 0,2 \text{ m}$ , поршеннинг ўртача тезлиги  $v_y = 0,1 \text{ m/s}$  бўлганда босим тўлқинининг тарқалиши ва ишчи босимнинг ўзгариши учун кетадиган вақт –  $T_m = 0,961 \text{ s}$  аниқланди.

3. Ишлаб чиқариш шаротида 4ДП-130 аррали жини ишчи камерасини кўтариш-тушириш учун кучлар аниқланди. Бунда ишчи камерани кўтариш учун  $F_k = 1490 \text{ N}$ , тушириш учун эса  $F_m = 519 \text{ N}$  куч талаб этилиши аниқланди.

4. Ишчи камерани кўтарилиш вақти ( $2,57 \text{ s}$ ) ва унинг ҳаракат тенгламаси ( $\varphi = 0,0043t^4 - 0,045t^3 + 0,113t^2 + 0,021t + 1,217$ ) аниқланди. Ушбу ҳаракат тенгламаси ишчи камерани кўтариш учун талаб қилинадиган кучнинг ўзгариш қонуниятини аниқлашга имкон берди.

5. Тўлиқ омилли тажрибалар асосида пневмоцилиндрнинг тавсия параметрлари аниқланди (  $D = 60 \text{ mm}$  да  $p = 0,41 \text{ MPa}$  ;  $D = 80 \text{ mm}$  да  $p = 0,31 \text{ MPa}$  ;  $D = 100 \text{ mm}$  бўлганда  $p = 0,25 \text{ MPa}$  ).

6. Аррали цилиндр электрюриткичидаги юкланиш токига боғлиқ равишда ишчи камерани кўтариш-туширишни бошқариш имкониятларини ўрганиш учун Matlab платформасида ишловчи ишчи камера макети тайёрланди ва синовдан ўтказилди. Ўтказилган синовлар ишчи камерани аррали жин электрюриткичидаги юкланиш токига боғлиқ равишда бошқариш имконини берди.

7. Кўтариш-тушириш қурилмасини ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш орқали хомашё валиги зичлигининг меъёридан ортиб кетмаслиги таъминланди, жараённи автоматлаштириш имкони яратилди, операторнинг иш шароити енгиллашди, ишчи камеранинг ишчи ҳолатга келтиришда зарб кучини камайтириш ҳисобига хомашё валигининг ҳаракатдаги аррали цилиндрни тўхтатиб қўйиши олди олинди. Изланиш натижаларига асосланиб кўтариш-тушириш қурилмасини нафақат жин балки линтер ва соҳадаги бошқа машиналар учун ҳам қўллаш мумкин.

8. Тавсия этилаётган ишчи камерани кўтариш-тушириш қурилмасини ишлаб чиқаришга қўллашдан кутилаётган йиллик иқтисодий самара битта пахта тозалаш корхонаси учун 106,8 млн. сўмни ташкил қилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ  
ПРОМЫШЛЕННОСТИ  
НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**УСМОНОВ ШУХРАТЖОН КАМОЛЖОНОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ И ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ  
УСТРОЙСТВА ПОДЪЁМА-ОПУСКАНИЯ РАБОЧЕЙ  
КАМЕРЫ ПИЛЬНОГО ДЖИНА**

05.02.03 – Технологические машины. Роботы, мехатроника и робототехнические системы

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Наманган-2022**



Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2022.1.PhD/T1140.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности и Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-сайте Наманганского инженерно-технологического института ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Эргашев Жамалиддин Саматович</b> доктор технических наук, доцент
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Ахмедходжаев Хамит Турсунович</b> доктор технических наук, профессор <b>Хакимов Шеркул Шергозиевич</b> доктор технических наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	Андижанский машиностроительный институт

Защита диссертации состоится 9 апреля 2022 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании научного совета PhD.03/30.12.2019.T.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская – 7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-й этаж, в малом зале заседаний, тел. (+99869) 225-10-07, факс (+99869) 228-76-75, e-mail: [nei\\_info@edu.uz](mailto:nei_info@edu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (диссертация зарегистрирована за №455) Адрес: г. Наманган, ул. Касансайская - 7, тел. (+99869) 225-10-07.

Автореферат диссертации разослан 25 марта 2022 года.  
(реестр протокола рассылки №69 от 25 марта 2022 года)



**Р.М.Мурадов**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

**Х.Т.Бобожанов**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

**К. Холиков**  
Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор



## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Как показывает мировая практика, текстильная швейная, обувная промышленности (ТСФ) в сущности, входят в отрасли с высокими капитальными оборотами. В последние годы в мире выращивается 25-26 млн. тонн хлопка-сырца в год<sup>1</sup>. С ростом населения Земли повышается основная естественная необходимость человечества в одежде, соответственно также растет потребность к хлопковому сырью. Эта тенденция в свою очередь требует внедрения в практику машин, выполняющих качественный процесс первичной обработки хлопка с высокой производительностью. В этом отношении считается важным использование машин с качественной работой, а также энерго-ресурсосберегающих технических средств и устройств первичной обработки хлопка.

В 2019-2024 годах рост мировой потребности к хлопковой продукции в среднем ожидается более 3,1%<sup>2</sup>. Вместе с этим в последнем двадцатилетии наблюдается тенденция перемещение производственных мощностей (в том числе текстильной промышленности) из США и Европы в Азиатские и Южно Американские государства<sup>3</sup>. В тоже время, проводятся научно-исследовательские работы, направленные на разработку новых научно-технических решений обеспечения энергосберегающими механизмами и техническими средствами машин первичной обработки хлопка ресурсосберегающей технологией, управления процесса и автоматизации машин. В этой сфере среди машин первичной обработки хлопка уделяется отдельное внимание обеспечению высококачественной работы, улучшению возможностей управления, обеспечению энерго-ресурсосберегающими механизмами, а также обоснованию ее параметров и режимов работы машин, применяемых на этапе джинирования, являющимся основным процессом.

В стране для большего развития производства в отрасли внедрен кластерный способ – новая система ведения работ. Ведутся всесторонние мероприятия и достигаются определенные результаты по модернизации хлопко-текстильного производства, внедрению высокопроизводительных инновационных технологий, модернизации предприятий обработки хлопка и запуску новых мощностей, прядению пряжи, ткачеству и окрашиванию ткани, производству швейных изделий, переработке семян, быстрому повышению объема производства готовой продукции. В стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены важные задачи, в частности, «...повышение конкурентоспособности национальной экономики, ...сокращение в экономике энергетических и материальных расходов, широкое внедрение в производство

---

<sup>1</sup> <https://www.statista.com/statistics/259489/worldwide-production-of-cottonseed/>

<sup>2</sup> <https://www.mordorintelligence.com/industry-reports/cotton-market>

<sup>3</sup> <https://www.abacademies.org/articles/the-kazakh-cotton-industry-and-international-competitive-advantage-7247.html>

энергосберегающих технологий»<sup>4</sup>. Выполнение этих задач, в том числе, создание модернизированных машин с точки зрения техники и технологии, качественно выполняющих процесс отделения волокна от семени на предприятиях первичной обработки хлопка, имеет все большее значение. Основной машиной на предприятиях первичной обработки средневолокнистого хлопка является пильный джин, его функция отделение волокна от семени с сохранением природных свойств хлопка. Качество выпускаемой продукции, производительность во многом зависит от процесса работы джина. Отставание в области применения информационных технологий, новых научных достижений, современных механизмов машин первичной обработки хлопка среди машин, применяемых на предприятиях текстильной и легкой промышленности, возлагает еще большую ответственность на специалистов, работающих в этой отрасли. Несмотря на большие успехи, достигнутые в сфере пильного джинирования хлопка, управление процессом, автоматизация машины, совершенствование энергосберегающими механизмами, улучшение условий труда оператора работающего на нем являются актуальными вопросами сегодняшнего дня.

